ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

# «ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

*LexUZ шарҳи*

*Мазкур қарор Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сонли «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунига асосан ўз кучини йўқотган.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

*LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни «Халқ сўзи» газетасининг 1992 йил 5 августдаги 150 (401)-сонида эълон қилинган.*

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

уч ой муддат ичида «Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилмаслик ва санитарияга доир, эпидемияга қарши чора-тадбирларини ўтказмаганлик оқибатида одамлар саломатлигига ва атроф-муҳитга етказилган зарарнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, айрим шахслар томонидан тўланиши тартиби тўғрисида», «Санитария қонунлари бузилган ҳолларда диагностика чораларига, даволаш ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларига қилинган харажатларни тўлаш тартиби тўғрисида», «Санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жарималар ундириш тартиби тўғрисида»ги низомларни тасдиқласин;

1992 йилнинг 1 декабрига қадар:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини мазкур Қонунга мувофиқлаштирсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
1992 йил 3 июль,
658-XII-сон

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 356-модда)*